



**Ilmiy amaliy
jurnal
№ 5 (7)
2026**

**YANGI
O'ZBEKISTON
IQTISODIYOTI**

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 5-son 2026 yil

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI

5

ISBN 978-9943-5256-3-4

Toshkent – 2026

MUNDARIJA

Minojiddinov A.A. Meva-sabzavot tarmog‘i korxonalarini boshqarishda tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarni takomillashtirish yo‘llari	8
Mirzayev A.T., Dilnozaxon M. O‘zbekistonda turizm marketingi samaradorligini baholash va uni takomillashtirishning integratsiyalashgan mexanizmi.....	12
Shavkatov A.Sh. O‘zbekistonda kichik biznes rivojlanishining institutsional va makroiqtisodiy asoslari.....	16
Махаммаджанов М.М. Инновационная трансформация банковского сектора Узбекистана: общесистемные тенденции и финансовые результаты.....	20
Sativaldiyeva G.X. IFRS 16 “Ijara” xalqaro standartiga muvofiq ijara hisobidagi o‘zgarishlar.....	24
Ismailov X.M. Aloqa korxonalari moliyaviy barqarorligini ta‘minlash metodologiyasini takomillashtirish masalalari.....	28
Yusubov I.I. Mintaqada iqtisodiyotni barqarorlashtirishda raqamli xizmatlarning rivojlanishi.....	32
Saidaxmedov N.X. Paxta-to‘qimachilik klasterlari faoiyatini shakllanishi va rivojlanishining zamonaviy nazariyalari.....	35
Istamqulov D.Q., Danyarova F.B. Milliy iqtisodiyotga xorijiy investitsiyalarni jalb qilishni takomillashtirish yo‘llari.....	40
Aipova I.I. Resurs samaradorligini baholashning nazariy usullari va ko‘rsatkichlari.....	43
Mirzaraximova A.A. Tijorat banklari tomonidan aloqa sohasini moliyalashtirish samaradorligini oshirish yo‘llari.....	49
Xalmirzaev A.A. Yer va suv resurslaridan samarali foydalanishda hududiy ixtisoslashuvning ahamiyati va iqtisodiy samaradorligi.....	53
Sidikov Z.A. Sirdaryo viloyatida sanoatlashtirish jarayonining hududiy ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishga ta‘siri.....	59
Usmanova N.Y. Raqamli iqtisodiyotda menejment qarorlarini qabul qilishda innovatsion texnologiyalarning roli.....	63
Ergashev R.X., Rajabaliyeva I.A. Transport-logistika infratuzilmasini raqamli texnologiyalar asosida rivojlantirish va uning samaradorligini oshirish.....	67
Raximova D.S. Barqaror restoran amaliyotlari: oziq-ovqat chiqindilarini kamaytirish va qayta ishlashning innovatsion yondashuvlari.....	70
Narzullayeva X.A. Investitsiya muhiti jozibadorligini oshirishning xalqaro tajribalari.....	76
Muxitdinov Sh.Z. Kichik agrobiznes subyektlarida mahsulotlar eksportini rivojlantirishga ta‘sir etuvchi omillar.....	84
No‘monov O.O‘. Agrotadbirkorlik subyektlarining eksport salohiyatiga ta‘sir etuvchi makroiqtisodiy va mikroiqtisodiy omillarni kompleks baholash.....	88
Yeshimbetov U.X. O‘zbekistonda qishloq xo‘jaligini barqaror rivojlantirishda tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirish.....	92
Raximova K.N. Tadbirkorlik sharoitida yashil biznesni tashkil etish va rivojlantirishining o‘ziga xos xususiyatlari	97
Хошимов П.З., Тўрахожайев Х.Х. Ислоний банкларнинг ишлаш тамойиллари ва ислон молия тизимининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъбиқи.....	100
Sattarov R.A. An integrated methodological framework for evaluating and forecasting interregional economic cooperation: an input-output approach (evidence from Uzbekistan).....	107
Farmanov J.Z. Mintaqada asalarichilik ekotizimining tamoyillari va ekologik-geografik xususiyatlarini takomillashtirish	111
Qurbonov A.B. Janubiy iqtisodiy rayonda qishloq xo‘jaligi orxonlarining tarkibiy o‘zgarishi va agrar kooperatsiyani rivojlantirish yo‘nalishlari.....	114
Тоштемиров Т.Т. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтиришда солиқ механизмларидан фойдаланиш масалалари.....	119
Arziyev M.A. O‘zbekiston iqtisodiyotini transformatsiyalash sharoitida oilaviy tadbirkorlikni rivjlantirishning ustuvor yo‘nalishlari.....	122
Maxkamova S.Sh. Ekologik innovatsiyalar orqali yerni oqilona boshqarishning tashkiliy va iqtisodiy mexanizmini takomillashtirish.....	127
Olimova N.X. Yashil moliyalashtirishning rivojlanish tendensiyalari hamda hozirgi amaliyoti: milliy kontekst	137
Zaylobitdinova H.X. Davlat oliy ta‘lim muassasalarining tijorat faoliyatini samarali boshqarish strategiyalari.....	141
Komilov A.I. Evolution of the catering industry in the context of digital technologies.....	145

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 5-son 2026 yil

Sotvoldiyev N.N. Mamlakatimizda yashil iqtisodiyotni rivojlantirishda mehnat bozoriga ta'sir etuvchi omillar.....	149
O'rinov A.A. Sanoat tarmoqlarining investitsion imkoniyatlarini barqarorlik indikatorlari asosida boshqarish mexanizmlari.....	154
Ahmadaliyeva R.A. O'zbekistonda xufyona iqtisodiyotga qarshi kurashish samaradorligi.....	158
Uzganbayeva D.T., Alimova Sh.F. The role of investment strategies in transforming small business entities into large corporate structures.....	162
Goziyev M.Sh., Abdufattoyeva M. Sun'iy intellekt asosida iqtisodiy qarorlar qabul qilish samaradorligini oshirish.....	167
Qobilov H., Uzganbayeva D.T. O'zbekiston iqtisodiyotida xususiy tadbirkorlikning ro'li: so'nggi yillardagi islohotlar sharoitida iqtisodiy o'sish va bandlikka qo'shayotgan hissi.....	170
Sotiboldiyeva R., Uzganbayeva D.T. O'zbekistonda xotin-qizlar tadbirkorligini rivojlantirishda moliyaviy qo'llab-quvvatlash mexanizmlarining ahamiyati.....	174
Маматкулов З.Ш. Хизмат кўрсатиш фаолиятининг шакллантириш ва бошқаришда хориж тажрибаларидан самарали фойдаланишнинг инновацион йўналишлари.....	179
Shamsiddinov P., Uzganbayeva D.T. Iqtisodiyotning raqamlashtirishning afzaliklari va uning oqibatlari.....	185
Qosimov A.S. Jizzax viloyati mahallalarining qayta nomlanishi va demografik jarayonlar va iqtisodiy samaradorlik ko'rsatkichlari.....	189
Qodirov A., Tulaganov E.J., Berdimurodov U.S. Inson kapitalini kapitalizatsiya qilish va samaradorligini oshirish.....	192
Saidkarimova M.I., Sobirov O.A. Sanoat korxonalarining raqobatbardoshligini oshirish yo'llari.....	199
Saidova M.J. Sanoat transformatsiyasi sharoitida kichik biznes va tadbirkorlikning o'rni (Andijon viloyati misolida)	203
Юсупов А.С., Пардаев Х.Ф. Динамическое управление международным портфелем акций: механизмы ребалансировки и преимущества глобальной диверсификации в условиях волатильности валютных рынков.....	206
Burxonov J.X., Soliyev I.I. Mehnat bozorini tartibga solishda innovatsion yondashuvlarning xorij tajribasi tahlili.....	213
Xaitbaev J.O. Mintaqa iqtisodiyotini barqarorligini ta'minlashda suv resurslaridan foydalanishning ko'p omilli ekonometrik modellari.....	217
Saidov U.S. Kichik tadbirkorlik subyektlarida ekologik innovatsiyalarni rag'batlantirishning moliyaviy yo'nalishlari.....	221
Nurmaxanmadov N.B. Iqtisodiyotning ekologiyaga ta'sir moyilligining oshib borishi muammosi.....	224
Xudayberdiyev K. Davlat xaridlarida elektron platformalar faoliyatini optimallashtirishda sun'iy intellektga asoslangan moderatsiya mexanizmlarining roli.....	230
Xolxo'jayev E.G'. Davlat xaridini tashkil etishda elektron savdolardan foydalanish samaradorligi hamda imkoniyatlari tahlili.	234
Rustamova F.A. Qishloq joylarda tadbirkorlik subyektlarining iqtisodiy samaradorligini baholash va uni oshirishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlari.....	238
Ikromov A. Iqtisodiy jarayonlarni ekonometrik modellashtirishda integro-differensial tenglamalarning o'rni va ularni tadqiq etish.....	241
Sarimsakov B.R., Usmonov J.Q. Xorijiy mamlakatlarda inson kapitalidan qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishida samarali foydalanish tajribalari.....	245
Maraimov I.R. O'zbekistonda kambag'allikni kamaytirish va aholi turmush farovonligini oshirish.....	251
Yusupov Sh.B. Xorazm viloyatida sanoat korxonalarining iqtisodiy samaradorligini baholash va oshirish yo'llari: 2020–2025 yillar tahlili va 2030 yilga prognoz.....	256
Chintemirova D.Sh. Hududlar kesimida kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyatining rivojlanish tendensiyalari.....	260
Xusanova Z.R. Ayollar tadbirkorligini rivojlantirishning samaradorlik ko'rsatkichlari va unga ta'sir ko'rsatuvchi omillar.....	265
Tajiboyev S.O., Gulimboyev S.I. Moliyaviy siyosatning investitsiya muhitiga ta'siri.....	270
Tajiboyev S.O. G'aznachilikda to'lovlarni amalga oshirish.....	275
Xaydarov M., Baxtiyorov I. Innovatsion iqtisodiyot g'oyalari va ularni oliy ta'lim tizimi orqali qo'llashning nazariy asoslari.....	279
Ким Т.В., «Зарубежный опыт развития циркулярной экономики и её роль в формировании ресурсосберегающей модели экономического развития».....	286

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 5-son 2026 yil

Saydullayeva R.U. Analysis of financial efficiency and profitability in the green economy: the role of IAS and IFRS standards.....	292
Galatov A.A., Karimova G.A. O‘zbekistonda Islomiy moliyaviy xizmatlar ko‘rsatuvchi nobank tashkilotlar faoliyati va strategik boshqaruv tizimining tahlili.....	296
Tursunov F.U. Oliy ta‘lim sifati monitoringini takomillashtirish mexanizmlarini rivojlantirishning zamonaviy yondashuvlari... ..	300
Yakhshiboev R.E. Retrieval-augmented generative AI for smart learning content.....	303
Ergashev S.A. Sanoat korxonalarini barqaror rivojlantirish mexanizmlarini takomillashtirish: ilmiy-nazariy va amaliy asoslar.....	307
Абдуллаева Р.Ғ., Тажибаева Н.Ф. Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицияларнинг устувор йўналишлари ва ривожланиш истиқболлари.....	311
Sayfullayev J. Why organizations struggle to implement green management practices: key barriers and practical solutions.....	316
Sirojiddinov K.I. Korxonaning raqobatbardoshligini baholash usullari.....	319
Ibraximov X.S. Mintaqalarda tadbirkorlik muhitini shakllantirishda kichik biznesni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlashning o‘rni va mexanizmlari.....	324
Tajibayev K.Q. Farg‘ona vodiysida kichik biznes sub’ektlari raqobatbardoshligini oshirishning metodologik asoslari.....	328
Abdulxakimov Z.T. Barqaror rivojlanish evolyusiyasi va tarkibiy qismlari masalalari.....	332
Pazilidinov M.M. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishda xorijiy mamlakatlarning raqamlashtirish tajribasi.....	337
Жураева М.З., Ахмедов Р.М. Экосистема применения системного подхода в менеджменте транспортной инфраструктуры.....	341
Ахмедов Р.М. Основные требования к разработке системного подхода в менеджменте дорожного хозяйства Республики Узбекистан.....	348
Mamasiddiqova F.X. Qishloq xo‘jaligida mahallalar ixtisosligi: nazariy asoslar, regional tahlil va rivojlantirish istiqbollari.....	353
To‘rayev A.A. Mehnat bozorini texnologik transformatsiyalash sharoitida ishchi kuchi raqobatbardoshligini oshirish mexanizmlari.	358
Солиев И.И. Концептуальные основы институциональной автономии вузов в условиях модернизации системы образования Узбекистана.....	362
Xasanov S.Q. Sanoat korxonalarini rivojlantirishda modernizatsiya va klaster yondashuvining o‘rni.....	365
Murodov A. Aholining real pul daromadlarini va xarid qobiliyatini oshirishning nazariy asoslari.....	369
Карабаев Р.З. Искусственный интеллект в цифровой экономике Узбекистана.....	374
Rasulova Sh.A. Bozor iqtisodiyotida monopoliyaning mohiyati, shakllari va uning O‘zbekiston iqtisodiyotiga ta’siri.....	378
Salimov A.F., Rasulova Sh.A. Bozor muvozanati va unga ta’sir ko‘rsatuvchi omillar.....	381
Sattarova G.X. O‘zbekiston logistika bozorida yuk tashish xavflarini sug‘urta orqali kamaytirishning iqtisodiy samaradorligi.....	385
Муродхўжаева Ф.М. Маҳаллий саноатни шакллантиришда кластер ёндашуви ва 2030 йилгача трансформациянинг прогноз параметрлари (Наманган вилояти мисолида).....	389
Yoqubjonov R.R. Kichik biznes mahsulotlari raqobatbardoshligini oshirishda innovatsion yondashuvlar.....	396
Nasritdinov B.X. Risklarni integral baholash kichik biznesda moslashuvchan boshqaruv tizimi asbobi sifatida	400
Abdurazzoqov H.A. O‘zbekistonda yashil iqtisodiyotga o‘tish jarayonining hozirgi holati va tendentsiyalari.....	406
Turgunov M.M., Soliyev I.I. Milliy innovatsion tizim samaradorligini oshirishning strategik yo‘nalishlari.....	411
Kuzimuratova D.M. O‘zbekiston Respublikasida tijorat banklarining investitsiya faoliyatini rivojlantirish va takomillashtirish.....	414
Soyibjonov I.S. Kichik biznes va tadbirkorlik subyektlarini yashil iqtisodiyot tamoyillari asosida rivojlantirish.....	419
Axmadjanov I.I. Shaharlar va shahar aglomeratsiyalari mintaqalar va mamlakatlar ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishining drayveri.....	423
Odinayev G‘.J. Nogironligi bo‘lgan aholi qatlamini strategik sohalarda band qilish loyihalari.....	427
Abduvahobov V.B. Jinoiy daromadlarni legallashtirishga qarshi kurashishning global standartlari va O‘zbekiston tajribasi: kompleks tahlil.....	430
Қўзиёва Н.Н. Билвосита солиқларнинг шаклланиши ва ривожланиб бориши.....	435

**ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ УСТУВОР
ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ИНВЕСТИЦИЙ
В ЭКОНОМИКЕ УЗБЕКИСТАНА**

**PRIORITY DIRECTIONS AND DEVELOPMENT PROSPECTS OF INVESTMENTS IN
THE ECONOMY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

Абдуллаева Раъно Гофуровна
ЎзМУ, доценти

Тажибаева Нозима Фурқат кизи
1-курс Иқтисодиёт мутахассислиги магистранти

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида асосий капиталга инвестициялар ва хорижий инвестицияларнинг тармоқлар бўйича тақсмоти, уларнинг иқтисодий ўсишга таъсири ҳамда ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинган. Тадқиқотда 2021–2025 йиллар давомида инвестициялар динамикаси, иқтисодий фаолият турлари бўйича инвестицияларнинг улуши ва устувор йўналишлари ўрганилган. Хорижий инвестициялар иштирокида миллий иқтисодиётни модернизация қилиш, инфратузилмани ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини ошириш масалалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар. Инвестиция, асосий капитал, хорижий инвестициялар, инвестицион фаоллик, иқтисодий ўсиш, рақамли иқтисодиёт, инвестиция самарадорлиги, экспорт салоҳияти, иқтисодий ривожланиш.

В данной статье проанализированы распределение инвестиций в основной капитал и иностранных инвестиций по отраслям экономики Республики Узбекистан, их влияние на экономический рост, а также тенденции развития инвестиционной деятельности. В исследовании изучены динамика инвестиций за 2021–2025 годы, доля инвестиций по видам экономической деятельности и приоритетные направления инвестиционной политики. Проанализированы вопросы модернизации национальной экономики с участием иностранных инвестиций, развития инфраструктуры и повышения экспортного потенциала.

Ключевые слова. Инвестиции, основной капитал, иностранные инвестиции, инвестиционная активность, экономический рост, цифр

This article analyzes the sectoral distribution of fixed capital investments and foreign investments in the economy of the Republic of Uzbekistan, their impact on economic growth, as well as investment development trends. The study examines the dynamics of investments over the period 2021–2025, the share of investments by types of economic activity, and priority directions of investment policy. It also analyzes issues related to the modernization of the national economy with the participation of foreign investments, the development of infrastructure, and the enhancement of export potential.

Keywords. Investment, fixed capital, foreign investments, investment activity, economic growth, digital economy, investment efficiency, export potential, economic development.

Ҳозирги глобал иқтисодий шароитда инвестициялар миллий иқтисодиёт ривожланишининг асосий омилларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Жаҳон иқтисодиётида рақобатнинг кучайиши, капитал ҳаракатининг эркинлашуви ҳамда инновацион

тараққиёт суръатларининг ортиши давлатлар олдига инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва инвестиция фаолиятини рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш вазифасини кўймоқда. Чунки инвестициялар ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, янги технологияларни жорий этиш, экспорт салоҳиятини ошириш ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Инвестиция иқтисодий категория сифатида келажакда муайян иқтисодий ёки ижтимоий самара олиш мақсадида капитални турли соҳаларга йўналтириш жараёнини англатади. Инвестициялар реал, молиявий, инновацион ва интеллектуал шаклларда амалга оширилади. Реал инвестициялар ишлаб чиқариш воситаларига сармоя киритишни англатса, молиявий инвестициялар қимматли қоғозлар ва молиявий активларга маблағ йўналтириш билан боғлиқдир. Инновацион инвестициялар эса янги технологиялар ва илмий ишланмаларни амалиётга жорий этишга хизмат қилади.

Инвестиция фаолиятини рағбатлантириш механизми давлат томонидан инвестиция муҳитини яхшилаш ва инвесторларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига жалб қилишга қаратилган иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар тизимини англатади. Бу механизмлар, аввало, солиқ ва божхона имтиёзлари, имтиёзли кредитлар, давлат кафолатлари, субсидиялар, эркин иқтисодий зоналар, давлат-хусусий шериклик муносабатлари ҳамда ҳуқуқий кафолатлар орқали амалга оширилади.

Айниқса, солиқ имтиёзлари инвестицияларни рағбатлантиришнинг энг самарали воситаларидан бири ҳисобланади. Инвесторларга фойда солиғи бўйича енгилликлар бериш, импорт ускуналарини божхона тўловларидан озод қилиш, тезлаштирилган амортизация сиёсатини қўллаш инвестиция фаоллигини оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, давлат томонидан тақдим этиладиган имтиёзли кредитлар ва молиявий қўллаб-қувватлаш воситалари стратегик тармоқларга сармоя киритишни рағбатлантиради.

Инвестиция муҳити мамлакат иқтисодиётига инвестициялар жалб қилишда ҳал қилувчи омиллардан бири ҳисобланади. Инвестиция муҳити деганда инвесторлар учун яратилган иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва институционал шарт-шароитлар йиғиндиси тушунилади. Макроиқтисодий барқарорлик, инфляция даражасининг пастлиги, миллий валюта барқарорлиги, ҳуқуқий кафолатлар ва суд тизимининг мустақиллиги инвестиция муҳитининг муҳим таркибий қисмларидир. Агар мамлакатда сиёсий ва иқтисодий барқарорлик таъминланган бўлса, инвесторлар узоқ муддатли лойиҳаларга сармоя киритишга кўпроқ қизиқади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, инвестицияларни рағбатлантиришда институционал ислохотлар муҳим ўрин тутди. Масалан, АҚШда инновацион стартаплар ва венчур капитал бозорининг ривожланганлиги юқори технологияли инвестицияларни жалб қилиш имконини бермоқда. Хитойда махсус иқтисодий зоналар ташкил этилиши ва экспортга йўналтирилган саноат сиёсати мамлакатнинг дунёдаги йирик инвестиция марказларидан бирига айланишига сабаб бўлди. Сингапурда эса давлат бошқарувининг шаффофлиги, коррупциянинг паст даражаси ва рақамли иқтисодиётнинг ривожланганлиги инвестиция муҳитининг жозибадорлигини таъминламоқда.

Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда инвестиция сиёсатини либераллаштириш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, валюта бозорини эркинлаштириш, хусусий мулк ҳимоясини кучайтириш, лицензия ва рухсат бериш тартибларини соддалаштириш, эркин иқтисодий зоналар фаолиятини кенгайтириш каби чоралар инвестиция муҳитини яхшилашга хизмат қилди. Шу билан бирга, хорижий инвесторлар учун солиқ ва божхона имтиёзларининг жорий қилиниши мамлакатга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини оширишга имкон бермоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётида инвестициялар мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсиши, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, инфратузилмани модернизация қилиш ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Айниқса, асосий капиталга инвестициялар иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва технологик янгиланиш жараёнларида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

2025 йил январь–июнь ойларида Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажми юқори даражада сақланиб, инвестицион фаолликнинг давом этаётганини кўрсатди. 1-жадвалда келтирилган маълумотлар сўнгги беш йилда инвестициялар ҳажми ва ўсиш суръатларининг динамикасини таҳлил қилиш имконини беради.

1-жадвал

Асосий капиталга инвестициялар динамикаси [1]

Йил	Инвестициялар ҳажми (трлн сўм)	Ўсиш суръати (%)
2021	99,8	102,5
2022	118,7	106,6
2023	154,2	119,7
2024	243,6	145,0
2025	273,4	105,5

1-жадвал маълумотларига кўра, 2021–2025 йиллар давомида асосий капиталга инвестициялар ҳажми муттасил ўсиб борган. 2025 йил январь–июнь ойларида асосий капиталга инвестициялар ҳажми 273,4 трлн сўмни ташкил этган. Бу эса 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 29,8 трлн. сўмга кўпдир. Маълумотлардан кўриниб турибдики, сўнгги беш йилда инвестициялар ҳажми қарийб 2,7 баробарга ошган. Бу ҳолат мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, қулай инвестиция муҳити яратилиши ва хорижий капитални жалб қилиш сиёсати самараси эканлигини кўрсатади.

2024 йилда энг юқори ўсиш суръати — 145,0% қайд этилган. Бу қуйидаги омиллар билан изоҳланади:

- йирик саноат ва инфратузилма лойиҳаларининг амалга оширилиши;
- хорижий инвестициялар оқимининг ортиши;
- давлат дастурлари доирасида қурилиш ва модернизация ишларининг кенгайиши;
- хусусий сектор инвестицион фаоллигининг кучайиши.

2025 йилда ўсиш суръати 105,5% ни ташкил этган бўлса-да, инвестициялар ҳажми мутлақ кўрсаткичларда ўсишда давом этган. Бу иқтисодиётда барқарор инвестицион фаоллик сақланаётганини англатади.

2025 йил январь–июнь ойларида Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар таркибида ишлаб чиқариш саноати етакчилик қилган.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар (2025 йил январь–июнь) [2]

№	Иқтисодий фаолият турлари	Ҳажми, млрд сўм	Умумий ҳажмга нисбатан, % да	
			2024 йил	2025 йил
	Асосий капиталга инвестициялар – жами	273 429,9	100,0	100,0
Шу жумладан:				
1	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	24 298,2	4,9	8,9
2	Тоғ-кон саноати	29 635,5	13,9	10,8
3	Ишлаб чиқариш саноати	74 253,4	27,6	27,2
4	Электр энергияси, газ, буғ ва конденцияланган ҳаво билан таъминлаш	38 371,1	14,1	14,0
5	Сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва қайта фойдаланиш	6 980,8	1,2	2,6

6	Курилиш	20 167,2	8,8	7,4
7	Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	9 063,7	5,4	3,3
8	Ташиш ва сақлаш	15 244,8	4,8	5,6
9	Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	3 814,2	0,9	1,4
10	Ахборот ва алоқа	3 444,8	2,1	1,3
11	Молия ва суғурта фаолияти	1 989,2	1,3	0,7
12	Касбий, илмий ва техник фаолият	2 123,6	0,9	0,8
13	Таълим	4 182,2	1,3	1,5
14	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	5 829,1	3,0	2,1
15	Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	1 158,5	1,1	0,4
16	Турар-жой қурилишига инвестициялар	21 677,0	4,7	7,9
17	Бошқа фаолият турлари	11 196,6	4,0	4,1

2-жадвалда келтирилган маълумотлар мамлакат иқтисодиёти тармоқлари кесимида инвестициялар тақсимои ва уларнинг улушини таҳлил қилиш имконини беради. Жадвал маълумотларига қараганда энг катта инвестиция улуши ишлаб чиқариш саноатига тўғри келиб, 74 253,4 млрд сўмни ташкил этган, энергетика соҳаси иккинчи йирик йўналиш бўлиб, 38 371,1 млрд сўм инвестиция жалб қилинган, қишлоқ хўжалиги ва турар-жой қурилиши соҳаларида ҳам юқори ўсиш кузатилган, хизмат кўрсатиш ва инновация соҳаларида инвестициялар улуши нисбатан пастлигича қолмоқда.

Хорижий инвестициялар ва кредитлар мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим молиявий манба ҳисобланади. Улар янги технологияларни жалб қилиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш имконини беради.

3-жадвалда Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитларнинг таркибий тақсимои акс эттирилган.

3-жадвал

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар [3]

№	Иқтисодий фаолият тури	Улуши (%)
1	Ишлаб чиқариш саноати	32,0
2	Электр, газ билан таъминлаш	18,5
3	Тоғ-кон саноати	13,1
4	Қишлоқ хўжалиги	8,6
5	Сув билан таъминлаш ва канализация	2,2
6	Курилиш	5,7
7	Ташиш ва сақлаш	5,1
8	Ахборот ва алоқа	0,7
9	Соғлиқни сақлаш	1,8
10	Бошқа фаолият турлари	12,3

3-жадвал маълумотларига қараганда хорижий инвестицияларнинг энг катта қисми — 32,0% — ишлаб чиқариш саноатига тўғри келган.

Бу ҳолат мамлакатда саноатлаштириш сиёсати устувор йўналиш эканини, экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эътибор кучайганини, хорижий инвесторлар саноат тармоғини юқори даромадли соҳа сифатида баҳолаётганини кўрсатади.

Электр ва газ билан таъминлаш соҳаси 18,5% улуш билан иккинчи ўринни эгаллаган. Бу соҳада электр станцияларини қуриш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, газ ва электр тармоқларини модернизация қилиш ишлари фаол олиб борилаётганини аниқлатади.

Энергетикага киритилаётган инвестициялар иқтисодиётнинг барқарор ишлаши учун стратегик аҳамиятга эга. Тоғ-кон саноати улуши 13,1% ни ташкил этган. Бу соҳада хорижий капитал табиий ресурсларни қазиб олиш, қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш, экспорт тушумларини оширишга йўналтирилмоқда. Ўзбекистоннинг минерал ресурсларга бойлиги ушбу тармоқнинг инвестицион жозибадорлигини оширмоқда.

Қишлоқ хўжалигига 8,6% инвестиция жалб қилинган бўлиб, бу озиқ-овқат хавфсизлиги ва аграр соҳани модернизация қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Қурилиш (5,7%) ҳамда ташиш ва сақлаш (5,1%) соҳаларига йўналтирилган инвестициялар эса транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, логистика тизимини яхшилаш, шаҳарсозлик ва уй-жой қурилиши ишларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Ахборот ва алоқа соҳасининг улуши атиги 0,7% ни ташкил этган. Бу рақам ИТ ва рақамли иқтисодиёт соҳаларида инвестиция фаоллигини янада кучайтириш зарурлигини, юқори технологияли соҳаларга хорижий сармояларни жалб қилиш муҳим вазифа эканини кўрсатади.

Хорижий инвестициялар таркиби мамлакат иқтисодиётининг асосий ривожланиш йўналишларини акс эттиради. Асосий устувор соҳалар саноат, энергетика, тоғ-кон тармоғи, инфратузилма, аграр сектор бўлиб, бу соҳалар иқтисодий ўсишнинг драйвери ҳисобланади ҳамда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсишига катта ҳисса қўшади.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда инвестицион муҳитни яхшилаш, хорижий капитални жалб қилиш ва иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шунга қарамайдан, таҳлиллар айрим соҳаларда хорижий инвестициялар улуши ҳануз пастлигини кўрсатмоқда. Айниқса, ахборот технологиялари, инновацион фаолият, соғлиқни сақлаш ва юқори технологияли хизматлар соҳаларида инвестицион фаоллик етарли даражада эмас.

Бу ҳолат миллий иқтисодиётни рақамлаштириш, интеллектуал иқтисодиётни шакллантириш ҳамда юқори қўшилган қиймат яратувчи соҳаларни ривожлантириш жараёнларига муайян даражада таъсир кўрсатмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда саноат ва инфратузилма соҳаларига инвестициялар юқори бўлса-да, ахборот технологиялари, инновация, соғлиқни сақлаш ва юқори технологияли хизматлар соҳаларида инвестиция фаоллигини янада кучайтириш талаб этилади. Келгусида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, инновацион стартапларни қўллаб-қувватлаш, хусусий сектор иштирокини кенгайтириш ва юқори технологияли тармоқларга инвестициялар жалб қилиш мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва рақобатбардош ривожланишини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, институционал ислохотларни чуқурлаштириш, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва хусусий сектор фаоллигини қўллаб-қувватлаш келгусидаги иқтисодий сиёсатнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 25.12.2019 йилдаги “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни ЎРҚ-598-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси маълумотлари
3. Холодкова, В. В. Управление инвестиционным проектом: учебник и практикум для вузов / В. В. Холодкова. — 2-е изд. — Москва: Издательство Юрайт, 2026. — 301 с.
4. М. Қ. Пардаев, А.Н. Холикулов, Г. Жумаева. Инвестицион лойиҳалар таҳлили. Ўқув қўлланма. — Тошкент.: “Фан ва технология” нашриёти, 2019. — 234 бет.
5. Б.Т.Байхонов, М.М.Бўстонов, М.Ф.Маҳмудов. “Инвестиция лойиҳалари таҳлили”. Дарслик. — Наманган.: 2021 й., — 560 бет.